

«Ҳазратни хотирлаб» танловининг 49-сони ғолиби аниқланди



18:06 / 09.08.2023 848

Фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Ҳазратни хотирлаб» кўрсатувининг навбатдаги ғолиби аниқланди. Ҳайъат аъзолари томонидан танловнинг 49-сонидан Тошкент шаҳридан Улуғбек Омонов «Энг яхши фикр-мулоҳаза» танловининг ғолиби деб топилди.

Танлов ғолибига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи, устоз Эркин Малик домла шайх ҳазратларининг шоҳ асарлари бўлмиш олти жилдлик «Тафсири Ҳилол» китобини топширдилар.

Азиз мухлислар, кўрсатувнинг аввалги сонларидаги белгиланган муддатдан кейин ҳам ғолибликка муносиб бўлган жуда кўп изоҳлар ёзилди ва ёзилмоқда. Шунини эътиборга олган ҳолда кўрсатувнинг 50-сонидан бошлаб, ҳар бешта сон оралиғида (яъни, 50-51-52-53-54-55-сонлари) ёзилган изоҳлардан ғолибликка муносиби саралаб олинди. Бунда изоҳларнинг танлов шартларига мослиги эътиборга олинади.

Кўрсатувнинг навбатдаги сонларини томоша қилинг ва танлов ғолибига айланинг.

Танлов шартлари:

1. Кўрсатув ҳақида умумий фикрингиз.
 2. Кўрсатувдаги энг ёққан хотира қайси бўлди?
 3. Энг кўп манфаатли бўлган сон қайси бўлди?
 4. Барча сонлардан олган 10 та хулосангиз.
 5. Кўрсатув бўйича қандай таклиф ва мулоҳазаларингиз бор?
 6. Ҳазрат билан боғлиқ сизнинг қандай хотирангиз бор?
- Аллоҳ таоло хайрли ишларни давомли қилсин.

